Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 5 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 40 (6737)

Даъват

Фазилат фарзанд кабидир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим.

Фахриддин РОЗИЙ

Ибрат

Жондор туманидаги 6-ўрта мактабнинг синф хоналарини ва фан кабинетларини таъмирлаш учун «Халилобод» хусусий фирмасининг раҳбари Ориф Обидов таъмирга етадиган керакли маблағни ҳадя қилди. Ҳайдовчи Исмат Ҳамроев 1 тонна цемент, қишлоқ матлубот жамиятининг раиси Қувват Бозоров эса кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 30 жуфт оёқ кийим бердилар. Нафақахур отахон Саттор Раҳмонов ҳам серфарзанд оилаларнинг болаларига 22 та кийим-кечакни совға қилди.

Бугуннинг гапи

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ – ТЕТИК КАЙФИЯТ

Ёз бошланди. Мактаб ўқувчилари ёзги таътилга чиқишди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг яхши дам олиши тўғрисида ўзича режа тузиб юришган бўлса ҳам ажаб эмас. Албатта бу режалар, аввало туман, вилоят ҳокимликлари, халқ таълими бўлими ва бошқармалари ташкил этаётган ўқувчиларнинг ёзги дам олиш тадбирларига қараб тузилади.

Болаларнинг ёзги дам олишлари нафақат ота-оналар, балки жамият учун катта аҳамиятга эга. Аввало бунда бола ором олади, ота-онадан оз вақтда бўлса ҳам узилиб, уларнинг қадрига етишга ўрганади, дунё кўради, дуст-ёр орттиради, демакки дунёқараши бойийди. Бу тадбирлар боланинг бекор, қаровсиз қолишининг ва бунинг натижасида келиб чиқадиган турли кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олдини олади.

Масалага ҳукумат миқёсида жиддий эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда айнан ўқувчиларнинг ёзги таътили ҳақидаги масала кўрилгани, вилоят, туман ҳокимликларига махсус кўрсатмалар берилгани фикримизга далилдир.

Дарҳақиқат, бола бундай тадбирлардан бир олам таассурот олади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан «Ёшлик» республика соғломлаштириш марказида 17—27 июнь кунлари мобайнида Қорақалпоғистон республикаси, вилоят олимпиадаларида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси аослари» фанидан биринчи ўринни эгаллаган (9-10-синфлар бўйича) 28 ўқувчи дам оладиган бўлишди. Бунда болаларнинг вақти ҳақиқатан ҳам мазмунли ўтиши шубҳасиздир. Дейлик, бу тадбир «Ёш информатиклар мактаби» деб аталиб, у ерда компьютер хонасида ўқиш, «Лего» билан шуғулланиш, бадментон, теннис ўйнаш, бассейнда чўмилиш — мазмунли дам олиш уюштирилади. Энг асосийси эса болалар академик В. Қобилов, шунингдек, Ҳ. Неъматов, А. Абдуқодиров, М. Зиёмуҳаммедов каби таниқли олимлар билан учрашиб, улардан мазмунли ва унутилмас сабоқ оладилар.

Бундай тадбирлар Ўзбекистон миқёсида кўплаб уюштирилса, айни муддао бўлади.

Биз одатда ўқувчиларимиз ҳақида ўйлаймиз-да, ўқитувчиларимизни унутгандек бўламиз. Ҳа демай ўқитувчилар ҳам босқичма-босқич таътилга чиқа бошлайдилар. Ўқитувчининг ҳам дам олиш, ёздан унумли фойдаланиш бўйича маълум режалари бўлиши аниқ. Ахир улар бир рўзғорнинг бошлиғи, фарзандларнинг отаонаси. Уларнинг ёзги таътили яхши ўтиши, уларга яхши кайфият улашиш учун вилоят ҳокимликлари алоҳида эътибор бериб, педагог ходимларнинг таътил маошларини ўз вақтида бериб ҳордиқ олишга жўнатсалар, ўқитувчилар янада яхши кайфият билан янги ўқув йилиги шай бўлиб қайтишарди. Бундан эса фақат жамият, ёш авлод ютиши шубҳасиздир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги махсус хат билан Узбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султоновга мурожаат қилди ва Бош вазир барча вилоят ҳокимликларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига шу масалани, жумладан, маошларни ўз вақтида беришни ҳам ўрганиб чиқиш, чоралар кўриш учун кўрсатма берди.

Умид қиламизки, жамиятнинг маориф соҳасидаги қатламига ҳокимликлар эътибор беришади, касаба уюшмалар раҳбарлари, вилоят, туман халқ таълими бошқармалари, бўлимлари бошлиқлари ва мудирлари, мактаб директорлари ҳам бу ишда четда турмайдилар, педагогларимиз эса яхши кайфият билан таътилни ўтказадилар.

ХАЙР БОҒЧА, САЛОМ МАКТАБ!

Тошкентдаги 61-«Оқ лайлак» болалар боғчасида исми-жисмига монанд қақажонлар тарбияланишади. Бу масканнинг мудирасидан тортиб то тарбиячиларигача — барча-барчаси ўзига хос болажон, жонкуяр.

Боғчада, албатта болаларни ухлатиш, овқатлантириш ёхуд сайр қилдириш билангина чекланиб қолмай, турли қизиқарли, жисмоний ўйинлар, бошқотирмалар тез-тез ташкил этиб турилади. Мусиқа, рақс, инглиз тили тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Бундан ташқари яқинда бўлиб ўтган боғчадаги катта гуруҳларнинг «Ассалом мактаб» деб номланган хайрлашув кечаси ҳам жуда қизиқарли бўлди.

Суратларда: Боғча мудираси Раъно Толипова болалар билан суҳбатлашмоқда. Катта гуруҳларнинг «Ассалом мактаб» деб номланган хайрлашув кечасидан лавҳа.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Тадбиркорлар

ДАРОМАД ҚИЛСА БЎЛАДИ

Буни Андижон вилояти Марҳамат тумани халқ таълими бўлими ходимлари томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик ишлари мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳозир бўлим ихтиёрида 4 та чойхона, автомобилларни, телевизор ва радиоаппаратураларни таъмирлаш устахонаси, оҳак ишлаб чиқариш заводи, марказий истироҳат боғида эса болалар атракциони ишлаб турибди. Ёрдамчи хўжаликда асаларичилик йўлга қўйилган, шунингдек 15 та буқа ҳам боқиляпти. Бўлимга қарашли 5 гектар ерга қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Демак, маорифчиларнинг дам олиш маскани 11 гектар майдонга эга.

Расулжон Султоналиев бундан олти йил бурун бўлимга мудир этиб тайинланганида, соҳанинг мана шу ёрдамчи хўжаликлар томонига ҳам алоҳида эътибор берди. Тадбиркорлик ҳаракатлари зое кетмади. Ҳозирга қадар халқ таълими бўлими 1 миллион сўмдан ортиқ даромад қилди.

Ишлаб топилган маблағлар асосан муаллимларни, идорамиз ходимларини ижтимоий ҳимоялашга, мактаб таъмирига, ўқув қуроллари, техника воситалари ва бошқа зарур жиҳозларни сотиб олишга сарфланяпти, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Расулжон Султоналиев.

Бўлимнинг банкдаги ҳисоб рақамида бугунги кунда нақд икки юз минг сўм пули бор. Бундай даромад ишлаб топиш, тадбиркорлик мактабларда ҳам йўлга қўйилган. Туман маорифчилари ўзларининг имкониятларини чамалаб кўриб, янги ўқув йилига умумий тайёргарликни 10 июнь куни якунлашни режалаштиришган.

Ҳаракатда-баракат, дейдилар. Кўриниб турибдики, марҳаматликлар амалга ошираётган иш натижалари чакки эмасга ўхшайди. Вилоятдаги бошқа маориф ташкилотлари булардан ибрат олса арзийди.

Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз.

Келгуси сонда!

«ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ»ГА МАРҲАБО!

Усиб келаётган ёш авлоднинг иқтисодий саводхонлигини ошириш бугунги куннинг устивор вазифаларидандир. Шунинг учун ҳукуматимиз бу масалага катта эътибор бериб, иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича махсус қарор қабул қилди. Шу қарорда белгиланган тегишли вазифаларнинг изчил бажарилишини таъминлаш мақсадида Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳам ўғил-қизларга иқтисодий билим беришни кучайтириш чора-тадбирларини белгилади.

Газетамиз таҳририяти 1996-1997 ўқув йили режасига киритилган «Иқтисодий таълим асослари» фани дастурларини ўқитишда ёрдамберадиган муҳим мавзуларни ёритиб боришга қарор қилди. Ана шу мақсадда газетада РТИММ билан ҳамкорликда «Иқтисод сабоқлари»ни ташкил этди. Бу рукн остида газетамизнинг келгуси сонидан бошлаб таниқли иқтисодчи олимларнинг мақолалари бериб борилади.

Лўқма

«БЕҒАМЛИК БЕКОР ҚИЛИНАДИ»

Мана ниҳоят ўқувчиларимиз бу ўқув йилини ҳам эсон-омон якунлаб, битириш имтиҳонларини топшириш, шу билан бирга ёзги дам олиш мавсумини имкони борича қизиқарлироқ ўтказиш тараддудига тушиб кетишди. Яқинда ўқувчиларнинг мароқли дам олишларини ташкил этиш борасидаги айрим тадбирлар билан қизиқиб, Янгийўл туманига йўл олдик.

Янгийўл ўзининг сўнгсиз мевазор боғлари, айниқса баҳор ойларида кўм-кўк либосга бурканган кенг дала, яйловлари билан инсонга ўзгача бир ором бахш этаркан. Лекин бу сулим маскандаги астойдил тер тўкиб меҳнат қилаётган кўпчилик ўқувчи ёшларни кўриб сира ҳайрон бўлганимиз йўқ. Ахир, ўзбекнинг боласи азал-азалдан ўзининг ҳеч бир бўш вақтини беҳуда совурмаслиги аён-да!..

Биз Янгийўл шаҳар, кейинроқ туман халқ таълими бўлими мудирлари Э. Усмонов ҳамда И. Эрназаровлар билан учрашиб, мақсадимизни баён қилганимизда, уларнинг иккови ҳам олдимизга энг аввало «Ўқувчиларнинг ёзги дам олишларини мазмунли ташкил этиш тўғрисида»ги турли хил буйруқ, кўрсатма, режа ва шунга ўхшаш дасталаб «қоғоз уюмлари»ни келтириб қўйишди-да, сўнг бу тадбирларни амалга ошириш усуллари, уларнинг туб моҳияти ҳақида анчагина «тер тўкиб» гапиришди. улардаги бунақа ўта жонқуярликни, юз-кўзларидаги чақноқ шижоатни кўриб, ҳамма гапларига ишонмасдан иложи йўқ кишининг. Аммо, ўша ўзлари лагерь ташкил этишни мўлжаллаётган даргоҳларга кириб борганимизда бу тўғрида ҳатто тасаввурга ҳам эга бўла билмадик.Чунки ажратилган хоналарнинг ҳали бирортасиям тайёр эмас. Ҳеч бўлмаганда каравотлар ҳам жойлаштирилгани йўқ, масъул мактаблар раҳбарлари эса, ҳануз ўзлари билан ўзлари овора бўлиб ётишибди.

Айтишларича, шаҳарда ҳам, қолаверса туман миқёсида ҳам бу ёзги мавсумда баҳоли қудрат 200 тадан болани етарлича шароитда дам олдириш мўлжалланган.

Шуниси ачинарлики, қайси вилоят ёхуд туман миқёсида олиб қараманг, болажонлар ҳақиқий таътил нашидаларини аллақачон бошлаб юборишган. Чунки, барча мутасадди шахсларнинг ҳам бу хусусда ўқув йили тугаллашидан 2 ой аввал қайгура бошлашлари аниқ-ку!..

Хуллас, Янгийўлдан бироз тундлашиб қайтдик. Ёзиш учун бирон-бир арзигулик гап ҳам топа олмадик. Тўғри, биргина таътил мавсуми баҳонасида янгийўллик педагогларни бўтқул «бекорчи»га чиқариб қўйиш ҳам нотўғри. Чунки бу ерда ҳам мундоқ синчиклаб қаралса, талайгина ижобий ишлар, албатта топилиши аниқ. Лекин шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар биримизнинг мавжуд амалиётимизни фақат адолат юзасидангина баҳолай биладиган халқ бор, фарзандлар бор ортимизда. Қолаверса, биз барчамиз азиз, бир-биридан ширин, қақажон болажонларимизнинг холис хизматкорларимиз. Ҳар қандай вазиятда ҳам уларнинг келажаги, порлоқ истиқболи, жарангдор кулгиси, бир зумлик табассумлари ҳаққи доимо машаққату меҳнат билан елкадошмиз. Негаки, ҳаётимиз ана шу покиза туйғулар туфайлигина гўзал, беназир.

Олимжон ҲАЙИТ, Дилбар ХЎЖАЕВА, «Маърифат»нинг махсус мухбирлари.

Акс садо

КИТОБГА ЧАНҚОҚ КУТУБХОНА

Мен Каттақўрғон туманидаги А. Дониш номли 5-ўрта мактабда қарийб 20 йилдан буён кутубхона мудири бўлиб ишлайман.

«Маърифат» газетасида берилган (1996 йил 17 февраль ва 13 апрель сонида) «Эҳтиборга молик арзимас нарсалар», «Кутубхона шахсий мулк», «Чироқчи чироқлари» мақолаларини ўқир эканман, иш тажрибам давомида эришган ютуқларим билан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ўз таклифларимни баён қилмоқчиман.

Мактабимиз кутубхонаси кенг ва шинам бинода жойлашган. Китобхонлар бўш вақтларида, дарсдан кейин келиб китоб мутолаа қилиш учун бир вақтнинг ўзида 28 кишига хизмат қиладиган ўқув залимиз бор. Бу ерда ҳар қандай тадбирларни ўтказиш учун барча шароитлар етарли. Кутубхонамизда «Китобсеварлар уюшмаси» ташкил этилган бўлиб, улар китобларни йиғиб олишда, тарқатишда, фонд китобларни инвентаризация қилишда бизга яқиндан ёрдам беряптилар.

Кутубхонамизга ўқитувчи ва ўқувчилар учун дарслик китоблар ўз вақтида етказиб берилаяпти-ю, лекин сиёсий-иқтисодий, бадиий ва методик адабиётлар жуда кам. Ўқитувчи ва ўқувчилардан кутубхонамизга эсдалик учун кўпгина китоблар олинди, аммо бизга Президентимиз И. Каримовнинг, қатағон йиллар ёзувчи ва шоирларининг ижодини ўрганиш бўйича, лотин ёзувини ўрганиш ва ўқитувчилар учун янги чиқарилган методик китобларга эҳтиёж катта. Чунки биз кутубхоначиларнинг асосий вазифамиз энг янги ва энг яхши адабиётларни китобхонларга етказиб бериб, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам маънавият хазинаси бўлган янги бадиий адабиётлар ва методик қўлланмалар ўз вақтида нурхонамизга етиб келишини истаймиз. Мактабимиз ёшларининг маънавий баркамоллигини янада юксалтиришда кутубхонамизнинг муносиб ҳиссаси қўшилишини орзу қиламиз. Мактаб кутубхоналарининг салмоғига қараб бадиий ва методик адабиётлар ўз вақтида марказлашган ҳолда етказиб берилса...

Айниқса, кутубхона юқори синф ўқувчиларини олий ўқув юртларига киришга тайёрлаш учун тест синовлари материаллари, йўриқномалар билан ўз вақтида таъминланса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Г. ҚУЛМАТОВА, Каттақўрғон туманидаги А. Дониш номидаги мактаб кутубхоначиси.

Мамлакатимиз халқ таълими тараққиётида ўзига хос из қолдираётган 1995-1996 ўқув йили якунланмоқда. Бу ўқув йилидаги асосий янгиликлар, эришилган натижалар нималардан иборат? Қандай муаммолар ҳал этилди ва қандай муаммолар тўғилди? Барча ижобий натижалар ва йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда навбатдаги янги ўқув йилини қандай бошламоқ ва қандай режалаштирмоқ керак?

Ўйлаймизки, юқоридаги каби қатор-қатор саволларга жавоб топиш учун қилни қирқ ёрадиган таҳлилий фикрлаш пайти келди. Ҳолбуки, бу саволларга аниқ жавобларни янги — 1996-1997 ўқув йили бошлангунга қадар топишимиз зарур. Янги ўқув йили халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари билан старт олади. Ҳамма нарса, бўлғуси ўқув йилининг муваффақияти ҳам ана шу катта кенгашга қанчалик пухта тайёргарлик кўришга ва уни мақсадга мувофиқ ўтказишга боғлиқдир.

Республика Халқ таълими вазирлиги анъанавий август кенгашларини ўтказиш бўйича Тавсияларни ишлаб чиқди. Тавсияларда алоҳида эътибор бериладиган муаммолар кўрсатилди, илгари суриладиган ғоялар баён этилди, ўқув юртлари фаолиятининг асосий йўналишлари кўрсатилиб, бугунги кунда ғоят долзарб бўлган асосий ташкилий масалалар белгилаб берилди.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: ЯКУНЛАР ТАҲЛИЛИ – ЭРТАНИНГ КЎЗГУСИ

Йўлдош САИДЖОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари

Ўқитувчилар ва халқ таълими ходимларининг август кенгашларига ҳозирлик кўришдаги халқ таълими бошқарув идоралари умумий ишининг бош йўналиши Узбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги байрамига тайёргарлик билан уйғунлашган ҳолда бўлишига қаратилган. Бу йўналиш мазмунида халқ таълими тизимини ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятлар асосида демократлаштириш тамойиллари қамраб олингандир.

Биздаги маълумотларга кўра, тавсиялар барча халқ таълими бўлимларига етказилган ва жойларда шу ҳужжат бўйича август кенгашларига ҳозирлик кўриш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Шу боис бу ўринда кенгашларга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ асосий талабларга, унинг шакл ва усулларига бироз тўхталиб ўтишни лозим деб ўйлайман. Аввало, кенгашларни ташкил этиш ва ўтказишда икки масалага эътиборни қаратиш зарур. Биринчиси, таркибий жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам мажбурий талаб бўлган йиғинни ўтказишни режалаштириш бўлса, иккинчиси маҳаллий шарт-шароитни, хусусиятлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда конференцияни ўтказишнинг шакл ва усулларини танлай билишдир.

Барча жойларда туман ва шаҳар август кенгашларининг ялпи йиғилишлари ўтказилиши шарт. Бу йиғинларда биринчи навбатда, ўтган ўқув йилида қилинган ишлар тўғрисида халқ таълими бўлим мудирларининг ҳисоботи ва навбатдаги ўқув йили вазифалари масаласи эшитилиши ҳамда муҳокама қилиниши зарур.

Нега бу масалани алоҳида таъкидлаяпмиз? Бунинг боиси шундаки, ҳисобот берувчи туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудири қилинган ишларни, эришилган натижаларни далилий таҳлил қилиши, йўл

(Давоми 2-бетда)

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президентининг Тожикистондаги мухтор вакили Евгений Михайловни қабул қилди. Суҳбат чоғида Тожикистондаги вазиятнинг барқарорлашувидан ҳар икки мамлакат ҳам чуқур манфаатдор эканлиги таъкидланди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Японияниг «Марубени» корпорацияси президенти Ивао Ториуми бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

❀ Россия Президенти Борис Ельцин Пермь шаҳри жамоатчилиги олдида чиқиш қилиб, ўз сайловолди дастурини йиғилганлар ҳукмига ҳавола этди.

❀ Бишкекда Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг Парламентлараро қўмитасини тузиш тўғрисидаги ахдномага имзо чекилди.

❀ Жанубий Корея қимматбаҳо қоғозларни назорат қилиш Кенгашининг президенти Бэк Вон Ку бош прокуратура томонидан ҳибсга олинди. У ўндан ортиқ компаниялардан 145 минг доллар миқдорида пора олганликда айбланмоқда.

❀ Исроилдаги бўлажак сайловлар натижасидан араб мамлакатлари ташвишга тушишмоқда. Чунки, Исроилнинг янги давлат бошлиғи Бенъямин Нетаньяху ўз сайволди мурожаатида Иерусалим бирор бир музокараларга асос бўлмаслигини эълон қилган.

❀ Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида мусулмон диний ташкилоти аъзолари ва маҳаллий полициячилар тўқнашуви оқибатида 11 киши ҳалок бўлди.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

МУРАББИЙЛАР «ТАФТИШ»ДА

Нарпай туманидаги 31-ўрта мактабда вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Она тили ва адабиётга доир янгиликларни таълим жараёнида қўллаш услублари» мавзуида вилоят ўқитувчиларининг семинар кенгаши ўтказилди.

Очиқ дарс шаклида ўтган кенгашда вилоят туманлари она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг дарс ўтиш услублари текширилди.

Семинарда вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти услубчиси Шоҳиста Ҳусаинова «Адабиёт дарсларида миллий истиқлол» мафкурасини ўқувчилар онгида шакллантириш, Нарпай тумани халқ таълими бўлими мудири Ж. Ҳолиқов туман мактабларида она тили ва адабиёти фанлари ўқитилишининг ҳозирги аҳволи ҳақида маърузалар қилдилар.

БИР ОЛМАНИНГ ИККИ ЮЗИ

БИРИ САНСАН, БИРИ МАН

Яқинда Андижон шаҳридаги Мирзо Бобур номидаги давлат университетига Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳридаги давлат университети жамоасидан вакиллар келиб, ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлган янги шартномалар қабул қилдилар. Унда ўқув-тарбия масалалари бўйича тажрибалар алмашиш, илмий педагог ходимлар малакасини ошириш каби фойдали масалаларга кенг ўрин берилди.

Бу хил келишувлар ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

БАНДИХОНДА ШЕЪР ДАРДИ...

Бандихонлик таниқли педагог ва талантли шоир Ҳолмуҳаммад Қулниёзов таваллудининг 70 йиллиги олдидан унинг қишлоғида «Бир шеър дарди...» хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, туман ҳокимлари иштирок этишди.

Ҳозирги кунда Х. Қулниёзов номидаги биринчи мактаб ҳаваскорлари шоирнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этишди. Мушоира қилишди. Кеча сўнгида республика болалар уйлари Сурхондарё вилояти бўлими раиси Мурод Амин фаол қатнашганларни қимматбаҳо совғалар билан сийлади.

САНЪАТ ЧАШМАСИДАН СУВ ИЧГАНЛАР

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб кўзи ожиз болаларнинг Бухоро шаҳридаги 24-ўрта махсус мактаб-интернатида Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Ғиждувон ва Олот туманлари бошланғич ташкилотлари ҳомийликларида бадиий ўқиш, якка созда куй чалиш, яккахон қўшиқ ижрочилиги бўйича бадиий кеча бўлиб ўтди. Кечада шеърхонлик бўйича Нодира Жаббиева, якка созда куй чалиш бўйича Жуманазар Қурбонназаров, яккахон хонандалар ижрочилиги бўйича М. Қурбоновлар шарафли ўринларнинг соҳиблари деб топилдилар.

МУАЛЛИФЛАР: О. ТОШПЎЛАТОВА, А. ЭРАЛИЕВ, Н. ТЎРАЕВ, А. ҲАЙДАРОВ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: ЯКУНЛАР ТАҲЛИЛИ – ЭРТАНИНГ КЎЗГУСИ

(Боши 1-бетда).

қўйилган камчиликларни кўрсатиб, унинг сабабларини очиб бериши ва уларни бартараф этиш йуллари ҳамда усулларини кўрсатиши керак. Маъруза халқ таълими булими фаолияти ижобий томонларини ёритишда ҳам, камчиликларни таҳлил этишда ҳам муҳокама учун бош манба бўлиши лозим. Шунга эришиш керакки, халқ таълими бўлими раҳбарининг сўзи ўз ошкоралиги ва руй-ростлиги, мақтов ва танқиднинг ўринлилиги ҳамда таъсирчанлиги билан кўпчиликнинг дилидаги гап бўлсин, кишиларда фикр уйғотсин, педагогик янги ғояларсари уларни даъват этсин.

Ялпи йиғилишда маорифчилар ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан туман (шаҳар) ҳокимларининг ахборотлари эшитилади.

Юқорида қайд этилган вазифалар анъанавий август кенгашларида қатъий бажарилиши керак бўлган талаблардир. Август кенгашларининг иккинчи куни фанлар ва тарбиявий, ташкилий ишлар йўналишлари бўйича ўқитувчилар метод бирлашмаларининг шўъба йиғилишлари бўлиб ўтади. Барча фанлар бўйича шўъбалар билан биргаликда таълим муассасалари раҳбарларининг, синф раҳбарларининг, синфдан ташқари тарбиявий ишлар такшилотчиларининг, ота-оналар билан ҳамкорлик қилишнинг шакл ва усуллари бўйича, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар ходимлари ҳамда уларнинг фаолияти йўналишлари бўйича шўъбалар ҳам ишлайди.

Шўъба йиғилишларида тематик-календарь режаси, ўқув соатларидан самарали фойдаланиш ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилиниши, нисбатан мураккаб ўқув дастурлари бўйича методик тавсияларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, муҳокамаларда иш тажрибаларни алмашишга, педагоглар фаолиятидаги илғор усул ва методларни таҳлил этишга эришмоқ керак.

Ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлашни ташкил этиш, ҳар бир фан бўйича синфдан ташқари ишлар, фанлараро боғлиқлик— буларнинг ҳамма-ҳаммаси ўқитувчи ва тарбиячилар эътиборини тортадиган энг долзарб масалалардир. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, шўъба йиғилишларида маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчилар жамоалари фаолиятининг турли хил фаол шаклларидан — қувноқ-топқирлар баҳслашуви, тестлар бўйича савол ва жавоблар, иш ўйинлари, ўқитувчилик касбини ҳимоя қилиш, педагогларни шарафлаш кабилардан фойдаланиш яхши самара бериши мумкин.

Ҳар бир туман, шаҳар халқ таълими булими маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича педагогик жамоалар билан ишлашнинг хилма-хил шаклларини ишлаб чиқишлари ва йиғинни ташкил этишда фойдаланишлари лозим. Бунда масалалар мажмуасини яхлит ҳал этишга эътиборни қаратиш керак. Анъанавий август кенгашларига ҳамда янги 1996-1997 ўқув йилига тайёргарлик ва уни ўтказишдаги барча ишлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигини муносиб кутиб олиш шиори остида бўлмоғи лозим. Шунга эришиш керакки, янги ўқув йили тадбирлари мамлакатимиздаги улуғ байрам — Мустақиллик куни шодиёналарининг дебочаси, халқ таълимидаги янги-янги муҳим ўзгаришларнинг таянчи бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги республика Таълим илмий-методика маркази 1996 йил Август кенгашларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тавсияларни ҳозирлади. Тавсиялар «Таълим мазмунини янгилаш - давр талаби» номи билан рисола тарзида босмадан чиқмоқда. Китобча тез кунларда вилоят халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига етказиб берилади.

Рисола сўз боши ва 20 дан ортиқ йўналишдаги шўъбалар бўйича методик тавсияларни қамраб олган. Сўз боши ва тавсияларда ўтган давр мобайнида халқ таълимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар, бажарилиши зарур бўлган вазифалар хусусида фикр юритилади. Ҳар бир шўъбада муҳокама қилиниши керак бўлган масала ва мавзулар тавсия этилади.

Қуйида шўъба йиғилишлари учун республика Таълим илмий-методика маркази мутахассислари томонидан тавсия этилаётган маърузалар мавзуси халқ таълими ходимлари диққатига ҳавола этилади.

Тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, Маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Бу унинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Ислом КАРИМОВ.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ

1. «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»ни тарбиячилар ва болалар томонидан узлаштириш даражаси.
2. Болалар боғчасида «Мактабгача тарбия концепцияси», «Давлат тили» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар ва «Соғлом авлод учун» Қонунининг бажарилиши.
3. Янги турдаги мактабгача тарбия муассасаларида, таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш.
4. Болалар боғчасида ўз-ўзини бошқариш, тадбиркорлик, ишбилармонликни шакллантириш ва унинг усуллари.
5. Ижодкор, изланувчан тарбиячилар тажрибасидан.
6. Саводга ўргатиш йўллари ва усуллари.
7. Болаларнинг хорижий тилларни узлаштириш тажрибасидан.
8. Миллий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари.
9. Болалар оғзаки нутқини устириш тажрибасидан.
10. Илк экологик ва иқтисодий тарбия бериш усуллари.
11. Болалар боғчасидаги тўгараклар фаолияти тажрибасидан.
12. Болаларда спортга бўлган қизиқиш ва истакларни ҳосил қилиш методлари.
13. Болаларни компьютер саводхонлигига ўргатиш усуллари.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

1. Янги алифбога ўргатиш дастури ва унинг мазмунмундарижаси.
2. Янги ўзбек алифбосига ўргатишда бадиий матнинг ўрни.
3. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш.
4. Табиёт дарслари жараёнида экологик тарбия.
5. Янги турдаги мактабларда куни узайтирилган гуруҳлар иши мазмуни.
6. Ўзбек халқ эртакларини ўтиш орқали миллий ғуруримиз, ифтихоримиз ва қадриятларимизни шакллантириш.
7. Таълим-тарбияда бадиий адабиётларнинг ўрни.
8. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўргатиш тажрибасидан.
9. Дарс жараёнида меросимиз дурдоналари, ҳадис материалларидан унумли фойдаланиш.

ОНА ТИЛИ

1. Ўқувчиларда Ватан туйғусини сингдириш ҳамда ўзлигини англашга ўргатиш.
2. Ноанъанавий дарслар-ўқувчилар фаоллигининг омилидир.
3. Она тилидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлашнинг диагностик усуллари.
4. Дарс жараёнининг ҳар бир босқичи — сўз бойлигини ошириш воситаси.
5. Тест саволлари билан ишлаш — мантиқий фикрлашга ўргатиш омили.
6. Ўқувчиларни умуминисоний қадриятлар руҳида тарбиялаш тажрибасидан.
7. Таълимнинг янги шакл ва усулларидан (тест топшириқлари, синов, баҳс-мунозара, анжуман, ҳимоя дарслари) фойдаланиш — ижодкорлик омили.
8. Матн устида ишлаш орқали ўқувчилар нутқини ўстириш.
9. Она тили машғулотларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш.
10. Ўқувчилар нутқини ўстиришда шевага оид сўзларнинг ўзига хос ўрни.
11. Она тили машғулотларида техника воситаларидан фойдаланиш тажрибасидан.
12. Лицей синфларида она тили ўқитилишининг ўзига хос хусусиятлари.
13. Янги ўзбек алифбосига ўргатиш тажрибасидан.
14. Дарсликлар билан мустақил ишлашга ўргатиш тажрибасидан.
15. Она тили дарсларида ифодали ўқиш малакаларини такомиллаштириш.
16. Она тили ва адабиётнинг узвийлигини таъминлаш тажрибасидан.

АДАБИЁТ

1. Ўқувчиларни адабий асарга эстетик ҳодиса сифатида қарашга ўргатиш.
2. Адабиёт дарсликларида иқтисодий тарбия.
3. Адабиёт дарсларида оғзаки нутқ равонлигига эришиш омиллари.
4. Замонавий адабий таълим қандай бўлиши керак?
5. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш.
6. Адабиёт ўқитишнинг янгича тамойиллари.
7. Ўқувчиларни мумтоз адабиёт дурдоналарига қизиқтириш усуллари.
8. Тасаввуф адабиёти намояндалари ижодини ўргатиш тажрибасидан.
9. Адабиёт дарсларида мустақил ишларни ташкил этиш.
10. Ўқувчиларни маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашда адабиётнинг роли.
11. Шеърхонлик ва ғазалхонлик дарсларини ташкил этиш.

ТАЪЛИМ БОШҚА ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ГУРУҲЛАРДА ЎЗБЕК ТИЛИ

1.Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган синфларда ўзбек тили дарсларининг мазмунини такомиллаштириш.
2. Ўзбек тили дарсларида умуминсоний қадриятларни ўқувчилар онгига сингдириш.
3. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг асосий мақсад ва вазифалари.
4. Рус мактабларининг бошланғич синфларида ўқувчилар нутқини устиришда ҳаракат ўйинларидан фойдаланиш.
5. Ўзбек тили дарсларида ЭҲМдан фойдаланиш.
6. Ўқувчилар сўз бойлигини оширишнинг илғор усуллари.
7. Ўзбек тили дарсларида матн устида ишлаш.
8. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг билимини аниқлашда рейтинг усулидан фойдаланишнинг самаралари.
9. Ўзбек тили дарсларида грамматик ўйин воситаларидан фойдаланиш.
10. Ўзбек тили дарсларида «Ўқув фильмлари» ва «Мусиқавий ўқув кассеталари» дан фойдаланиш.
11. Тест материалларидан фойдаланишнинг самарадорлиги.

ШАРҚ ТИЛЛАРИ

1. Шарқ тилларини ўргатишда талаффузга эътибор.
2. Оғзаки нутқ малакасини ошириш усуллари.
3. Тест матнларидан фойдаланишнинг самарадорлиги.
4. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида матнлар тайёрлаш ҳақида.
5. Дарсларда ўтиладиган машғулотларнинг ўзаро боғлиқлиги орқали ўқувчилар фаоллигини ошириш йуллари.
6. Республикамиздаги мавжуд тил марказларига ўқувчиларни жалб этиш.
7. Ўқитувчиларнинг илғор иш тижрибаларини ўрганиш ва уни татбиқ этиш.
8. Республика олимпиадаларига иқтидорли ўқувчиларни танлаш тажрибасидан.

ҒАРБ ТИЛЛАРИ

1. «Чет тилидан узлуксиз таълим концепцияси»ни ўргатиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш.
2. Болалар боғчаси ва бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқитиш масалалари.
3. Гимназия, лицей синфларида хорижий тилларни ўқитиш тажрибасидан.
4. Узбек-турк лицейларида чет тилининг ўқитилиши муаммолари.
5. Ўқувчиларни дарс жараёнида ва дарсдан кейин мустақил ишлашга ўргатиш.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг хорижий мамлакатларга ташрифлари материалларидан дарсларда фойдаланиш.
7. Хорижий тил дарсида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.
8. Ўқувчиларга жаҳон стандартидаги «тойфл» тестларидан фойдаланишни ўргатиш методикаси.
9. Хорижий педагогларнинг илғор тажрибаларидан намуналар (АҚШ, Англия, Туркия, Олмония, Франция).
10 Ўқувчиларнинг хорижий тилларга бўлган қизиқишларини ошириш ва илғор — коммуникатив усуллардан кенг фойдаланишга эътиборни кучайтириш тўғрисида.
11. Ўқувчиларни ёзув техникаси ва ёзма нутққа ўргатиш.
12. Ёзма иш турлари ва уларга қўйилган талаблар.
13. Ўқувчиларнинг билим даражаларини текшириш йўллари.

ЯНГИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

1. Янги узбек алифбосини ва имлосини ўргатиш усуллари.
2. Янги узбек алифбоси ва имлосини ўргатиш муаммолари.
3. Мактабгача тарбия ва ўрта умумтаълим муассасаларида янги ўзбек алифбосига ўргатишда кўрсатмали қўлланмалардан фойдаланиш.
4. Янги ўзбек алифбосига ўргатиш тажрибаларидан.

ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

1. Ўрта умумтаълим мактабларида тарих ва ижтимоий фанларни ўтиш жараёнида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш.
2. Ўрта умумтаълим мактабларида Амир Темурнинг ташқи сиёсати масалаларини ўргатиш.
3. И. А. Каримов асарларида Ўзбекистон тарихи масалалари.
4. Тарих ва ижтимоий фанларни ўқитишда тарихий манба ва ҳужжатлардан фойдаланиш.
5. Комил инсонни тарбиялашда тарихий шахслар ибрати.
6. «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусини дарсларда ёритиш.
7. Мустақиллигимиз одимлари ва ютуқлари.
8. Ўқувчиларнинг тарихий тафаккурларини тарбиялаш.
9. Мустақил Ўзбекистон тарихини ўқитишда ўқувчилар фаоллигини ошириш.
10. Тест саволлари қандай тузилиши керак?
11. Тарихий ҳақиқат ва сиёсат.
12. Бухоро, Хиванинг қадим тарихи, ўлкашунослик бўйича манбаларини ўрганиш муаммолари.
13. Ўқувчиларга ҳуқуқий таълим бериш масалалари.

МАТЕМАТИКА

1. Ўқитишнинг янги педагогик технологияси бўйича дарс ўтиш тажрибасидан.
2. Компьютер воситасида математика ўқитиш самарадорлигини ошириш тажрибасидан.
3. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўпбалли тизимига ўтиш йўллари тўғрисида.
4. Математика машғулотларида фанлараро алоқа.
5. Математикадан янги дарсликлар билан ишлаш тажрибасидан.
6. Йўналишли мактабларда математика ўқитишнинг долзарб муаммолари.

ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ

1. Ўқув жараёнида ЭҲМдан фойдаланиш.
2. ИҲТА фанини ўқитишда дарсликлардан фойдаланиш тажрибасидан (8-9-синф дарсликлари таҳлили).
3. ИҲТА фани бўйича 10-11-синф дастурининг мазмуни.
4. ИҲТА фанини турли хил йўналишдаги мактабларда ўқитиш.

Шўъба йиғилишида қуйидаги мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир:

1. Мактаблардаги ўқув ЭҲМларининг техник ҳолати ва таъмирлаш ташкилотлари билан тузилган шартномаларнинг амалда бажарилиши қандай бўлмоқда?
2. ИҲТА фанини ўқитишда ўқув-педагогик дастурлардан фойдаланиш ва уларнинг таъминланиши.
3. Фанларни электрон-ҳисоблаш техникаси кабинети негизида ўқитишга мўлжаллаш ва фан ўқитувчиларини ЭҲМдан фойдаланишга ўргатиш.
4. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда видеотехника воситаларидан фойдаланишни амалда жорий этиш.
5. Синфдан ташқари машғулотларнинг самараси ва уларни ташкил қилиш.

ФИЗИКА

1. Физикани ўқитишда замонавий дарсларни ташкил қилиш муаммолари.
2. Физикадан олимпиадалар ўтказиш тажрибасидан.
3. Физика фани бўйича таълим стандартлари қандай бўлиши керак?
4. Физикани ўқитишда иқтисодий тарбия масалалари.
5. Давлат тест маркази ахбороти журналида 1996 йилда эълон қилинган физикадан тест саволлари банкидан ўқув жараёнида фойдаланиш ҳақида.
6. Йўналишли синфларда физика ўқитилишини режалаштиришнинг баъзи масалалари.
7. Дастурга янгидан киритилган айрим мавзуларни ўқитиш усуллари ҳақида.

БИОЛОГИЯ

1. Биология дарсларида замонавий методлардан фойдаланиш.
2. Биология фанларидан олимпиада ва битирув имтиҳонларини тест-синов асосида ўтказиш тажрибасидан.
3. Биология дарсларида экологик таълим ва тарбия бериш муаммолари.
4. Биология дарсларини табиатни муҳофаза қилиш қонунига боғлаб ўқитиш.
5. Ўқув-тажриба майдонида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тақсимлаш тажрибасидан.
6. Ўзбекистоннинг флора ва фаунасини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялаш.
7. Ҳар бир чорак ва ўқув йили охирида ўқувчилар билимини синаш учун тест-синов топшириқларидан, рейтинг усулидан, семинар усулидан фойдаланиш.
8. Биология дарсларида маҳаллий (усимлик ва ҳайвонлар) материаллардан фойдаланиш.
9. Биология дарсларида экологик таълим ва тарбия.

КИМЁ

1. Кимё машғулотларида замонавий дарс усулларидан фойдаланиш.
2. Кимё дарсларида экологик тарбияни уйғунлаштириш усуллари.
3. Кимёни чуқур ўрганиш тажрибасидан.
4. Кимё дарсларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўпбалли тизими.
5. Ўқувчиларни олимпиадага тайёрлаш тажрибасидан.

ТАБИИЁТ ВА ГЕОГРАФИЯ

1. 1996-97 ўқув йилида ўрта умумий таълим мактаблари ва йўналишли синфларда географияни ўқитишни режалаштириш.
2. Замонавий география дарсларини ташкил этиш йўллари.
3. Марказий Осиё олимларининг география фани ривожланишига қўшган ҳиссалари.
4. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўқитишда иқтисодий таълим-тарбия масалалари.

Баҳс ва мунозара учун:

1. Географиядан Давлат таълим стандарти лойиҳасининг муҳокамаси.
2. Янги дастур асосида эски дарсликлардан фойдаланиб дарс ўтиш тажрибаси.
3. География дарсларида давлат тест маркази ахбороти журналида 1996 йилда чиқарилган тест саволлари банкидан фойдаланиш.
4. География дарсларида экологик маданиятни шакллантириш масалалари.
5. 1995 йилда нашр этилган 10-синф учун «Жаҳон мамлакатларининг ижтимоий географияси» дастури юзасидан фикр-мулоҳазалар.
6.География дарсларида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш масалалари.

МУСИҚА

1. Мусиқа дарслари орқали ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини мустаҳкамлаш.
2. Мусиқа дарсларининг бошқа дарслар билан боғлиқлиги.
3. Мусиқа дарслари орқали нафосат тарбиясини шакллантириш.
4. Мусиқа орқали бошланғич таълимни такомиллаштириш.
5. Мусиқа дарслари ёрдамида ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ЧЁТ

1. Болалар, ўқитувчи, ота-оналар ва маҳалла ҳамкорлиги, тарбия ва ўқитишга ноанъанавий ёндашиш.
2. Ҳозирги босқичда жисмоний тарбия муаммолари ва уларни ечиш йўллари — «Соғлом авлод учун» истиқбол дастури ҳамда «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги қонун.
3. «Менинг саломатлигим — республикам бойлиги» шиори остида жисмоний тарбия ва меҳнатга миллий ёндашиш.
4. Жисмоний тарбия масалаларини такомиллаштиришда фаол турмуш тарзини шакллантириш.
5. Болаларнинг саломатлиги, уларнинг жисмоний усиши ва чиниқиши — бу барчанинг биринчи навбатдаги ғамхўрлиги (Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги қонун материаллари ва «Соғлом авлод учун» дастури).
6. Ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш сифатининг юқори кўрсаткичи — ўқитувчи ижодий фаолиятида ҳал қилувчи омил.
7. Жисмоний тарбия дарсларида ва бошқа спорт тадбирларини ташкил қилишда техник воситалардан фойдаланиш. Уларнинг аҳамияти ва роли.
8. Соғлиғи жиҳатидан махсус тиббиёт гуруҳларига ажратилган болалар билан ишлаш.
9. Куни узайтирилган гуруҳда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари.
10. Болалар жароҳатланишининг олдини олишда тарбиячилар, ўқитувчилар, методистлар, жисмоний тарбия раҳбарлари ва ишлаб чиқариш усталарининг асосий вазифалари.
11. Ўқув-тарбия жараёнида халқ анъаналаридан фойдаланиш ва уларга ижодий ёндашиш тизими.
12. Чақириққача ёшларни тарбиялашнинг долзарб муаммолари.

МАХСУС ТАЪЛИМ

1. Республикадаги махсус мактабларда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш концепцияси йўналишларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш.
2.Экология, иқтисод, соғломлаштириш дарслари самарадорлигини ошириш.
3. Махсус мактабларда тарбиявий ишлар хусусияти ва мазмуни.
4. Махсус таълим-тарбия жараёнида хорижий давлатлар илғор педагогик иш тажрибасини қўллаш усуллари.
5. Махсус мактабларда коррекцион ишларни амалга оширишда руҳшунос мутахассиснинг роли.

Умумий йўналишдаги йиғилишдан ташқари кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи, руҳий ривожланиши сустлашган, таянч ҳаракат аъзолари бузилган, логопедик ёрдам ҳоналари, ёрдамчи мактаблар, мактабгача тарбия муассасалар алоҳида иш олиб боради.

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ

(махсус таълим учун)

1. Она тилини ўқитишдаги янги йўналишлар.
2. Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтишдаги муаммолар ва ёзувга ўргатиш.
3. Бошланғич синфларда тилга ўргатишнинг ўзига хослиги.
4. Талаффузга ўргатиш машғулотларига нутқ материалларини танлаш.
5. Ўқиш дарсларига мавзулар танлашда замонавий талабларидан келиб чиқиш.
6. Адабиёт дарсларини режалаштиришда ватанпарварлик мавзуларини танлаш иш тажрибасидан.
7. Адабиётни ўқитишда адабий меросимиздан фойдаланиш.

МАТЕМАТИКА

(махсус таълим учун)

1. Математика ўқитишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш борасидаги таклифлар.
2. Математикадан ўқувчилар билимини текширишда тест усулидан фойдаланиш.
3. Бошланғич синфларда математикани ўқитишда замонавий ўйин услубларидан фойдаланиш (иш тажрибасидан).
4. Математикани ўқитишда янги ижодий ёндашишлар (иш тажрибасидан).

МЕҲНАТ

(махсус таълим учун)

1. Бошланғич синфларда қўл меҳнати (АПТ) дарсларини режалаштириш ва олиб боришдаги янги йўналишлар, муаммолар.
2. Махсус мактабларда касб ўргатишда миллий ҳунармандчилик анъаналаридан фойдаланиш (иш тажрибасидан).
3. Меҳнат дарсларини режалаштириш.
4. Мактабда меҳнат таълимини ташкил қилиш.
5. Мактаб-интернатда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

1. Амир Темур таълимоти — тарбия омили.
2. Амир Темур — буюк саркарда, давлат арбоби.
3. Амир Темур тузуклари — тарбия манбаи.
4. Жамиятимиз ёшлари ва ҳуқуқий тарбия.
5. Мустақиллик ва мафкуравий тарбия.
6. Ажодларимиз мероси — буюк хазина.
7. Биз — ҳуқуқий демократик давлат фарзандларимиз.
8. Ватанни севмоқ иймондандир.
9. Мен хусусий мулк эгаси бўламан.
10. Комил инсон қандай бўлиши керак?
11. Хусусий мулк эгасини шакллантириш муаммолари.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

1. Тасвирий санъат концепцияси асосида бошланғич синфларда машғулотларни ташкил этиш.
2. Ўқувчиларнинг бадиий меҳнат кўникмасини тарбиялашда миллий меросдан фойдаланиш.
3. Умумтаълим мактабларининг юқори синфларида тасвирий санъатдан тўгарак машғулотларини ташкил этиш.
4. Ўқувчиларга тасвирий санъат фанини ўргатишда маҳаллий археологик материаллардан фойдаланиш.
5. Тасвирий санъатдан юқори синф ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов ва олимпиадаларни ташкил этиш.

ТЕХНИКАВИЙ ГРАФИКА АСОСЛАРИ

1. Чизмачиликда умумтаълим мактаблари учун янги яратиладиган ўқув плакатларининг ҳажми ва мазмуни.
2. Умумтаълим мактабларида чизмачиликдан факультатив машғулотлар ташкил этиш.
3. Амалдаги дастур асосида ўқувчиларга чизмачилик шрифтини ўргатиш усуллари.
4. Умумтаълим мактабларида қурилиш чизмачилигини ўқитиш самарадорлигини ошириш.
5. График таълимда ЭҲМдан фойдаланиш.
6. Ўқувчиларни чизмачиликдан олимпиадаларга тайёрлаш.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ

1. Меҳнат дарсларида ўқувчиларни, ахлоқий-эстетик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.
2. Меҳнат таълими дарсларида кўрсатмали қўлланмалар ва техника воситаларидан фойдаланиш тажрибасидан.
3. Умумтаълим мактабларида меҳнат таълимининг мазмунини такомиллаштириш.
4. Меҳнат таълими бўйича синфдан ташқари ишларни ташкил этиш.
5. Умумтаълим мактабларида меҳнат бўйича турли тўгарак ишларини ташкил этиш.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИДА ҚИЛИНАДИГАН МАЪРУЗАЛАР МАВЗУЛАРИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб умумий таълим мактабларида ўқитилиши лозим бўлган предметларнинг янги ўқув дастури ҳамда дарсликлари ҳақида маълумотнома

I. ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ:

1-синф учун ўқув дастурлари тўплами, ўзбек тилида, лотин алифбосида, 30 минг нусхада, босмахонага топширилган. Улар иккала қуйидаги дастурлар мавжуд:

а) она тили (Қ. Абдуллаева ва бошқалар);

б) математика (Н. Бекбоева ва бошқалар);

в) жисмоний тарбия (Т. Усмонхўжаев ва бошқалар);

г) атрофимиздаги олам (А. Григорьянц ва бошқалар);

д) тасвирий санъат ва бадиий меҳнат (Р. Ҳасанов ва бошқалар).

1-синф она тили дастури (Т. Ғаффоров ва бошқалар) ўзбек тилида, лотин алифбосида. 25 минг нусхада нашр этилди ва вилоятларга юборилди.

1—8-синфлар учун мусиқа дастури (Д. Омонуллаева) ўзбек тилида 10 минг нусхада нашр этилди ва вилоятларга юборилди.

«Основы 1 государства и права». Рус тилида, 5 минг нусхада нашр этилди ва вилоятларга тарқатилди.

Янги алифбо ва имлони ўрганиш дастури (Й. Абдуллаев) 50 минг нусхада нашр этгирилган ва вилоятларга юборилмоқда.

«Ўзбек тили ва адабиёти», рус гуруҳлари учун, ўзбек тилида. 10 минг нусхада нашр этилди ва вилоятларга тарқатилди.

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» (О. Каримова) ўзбек тилида 15 минг нусхада чоп этишга босмахонага буюртма берилган.

II. ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

О. Шарофутдинов ва бошқалар. Алифбо, лотин ёзувида, 306 минг нусхада нашр этилган.

Қ. Абдуллаева ва бошқалар. «Она тили» 1-синфлар учун, лотин алифбосида, 327 минг нусхада буюртма асосида нашр қилинмоқда.

Қ. Абдуллаева ва бошқалар. 1-ёзув дафтари, лотин алифбосида, 365 минг нусхада нашр қилишга рухсат этилган.

Қ. Абдуллаева ва бошқалар. 2-ёзув дафтари, лотин алифбосида, 365 минг нусхада чоп этишга рухсат этилган.

Т. Ғаффоров ва бошқалар. Алифбо, лотинча. 358 минг нусхада чоп этишга рухсат этилган.

Т. Ғаффоров ва боқалар. «Она тили». 1-синфлар учун, лотин алифбосида, 390 минг нусхада нашр этилмоқда.

Т. Ғаффоров ва бошқалар, 1-ёзув дафтари 369 минг нусхада чоп этишга буюртма берилган, нашр этишга рухсат этилган, сигнал нусхаси чиққан.

Т. Ғаффоров ва бошқалар, 2-ёзув дафтари. 369 минг нусхада чоп этилмоқда.

Н. Бекбоева ва бошқалар, математика, 1-синфлар учун, 690 минг нусхада чоп этишга рухсат этилган (лотин алифбосида).

Н. Бекбоева ва бошқалар, 1-математика дафтари, лотин алифбосида, ўзбек тилида, 620 минг нусхада кўпайтиришга буюртма берилган, сигнал нусхаси чиққан.

Н. Бекбоева ва бошқалар, 2-математика дафтари, лотин алифбосида, ўзбек тилида, 620 минг нусхада чоп этишга рухсат этилган.

Х. Эгамов ва бошқалар. «Ўзингиз бўянг ва бажаринг», 1-синфлар учун, лотин ёзувида, 1 к., 590 минг нусхада чоп этилган (қўлланма).

Х. Эгамов ва бошқалар. «Ўзингиз қуринг ва ясанг», 1-синфлар учун, лотин алифбосида, 2 к., 590 минг нусхада чоп этишга рухсат этилган (қўлланма).

Б. Маъқулова ва бошқалар. «Синфда ўқиш китоби», 1-синфлар учун, лотин алифбосида, ўзбек тилида. 685 минг нусхада чоп этилган (қўлланма).

М. Умарова, 3-синф ўқиш китоби, 306 минг нусхада чоп этишга рухсат этилган.

Ж. Икромов ва бошқалар. Математика, 5-синф учун, 600 минг нусхада нашр этилган ва вилоятларга етказилмоқда (қўлланма).

П. Мусаев ва бошқалар. «Материклар географияси», 480 минг нусхада чоп этилган ва вилоятларга етказилмоқда (қўлланма).

О. Каримова ва бошқалар. «Давлат ва ҳуқуқ асослари», 9-синф учун, 548 минг нусхада чоп этилиб, вилоятларга юборилмоқда (қўлланма).

Т. Ғаффоров ва бошқалар. «Основь 1 государства и права», 9-синф учун, русча, 52 минг нусхада чоп этилиб, вилоятларга юборилмоқда (қўлланма).

Р. Толипова ва бошқалар. «Русское слово», 5-синф учун, 30 минг нусхада нашр этилган (синов дарслиги).

Р. Толипова ва бошқалар. «Русское слово», 2-синф учун, 30 минг нусхада нашр этилган (синов дарслиги).

Умумий ўрта таълим бош бошқармаси.

МУАЛЛИМ КАЛОМИ

Аслида бу дунёга ҳамма бир сўз айтмоқ учун келади.Бир сўзки, даҳри дуннинг қоронгу пучмоқларини ёритгулик. Бир сўзки, тақдир этилган исмини ўз ортидаги изларга дарж этгулик. Бу дунёга ҳамма бир сўз айтмоқ учун келади. Агар айта олса.

Муборак Азизова ҳам ўз сўзини айтмоқни ният қилган ва айта олган инсонлардан. У Собир Раҳимов туманидаги 298-ўрта мактабнинг бошланғич синф муаллимаси. Муаллима яқинда яна бир сўз айтди. У таълим бераётган 4-синф ўқувчилари «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида байрам кечаси уюштиришди. Ватан, Она, Темурни мадҳ этувчи шеърлар янгради, қўшиқлар куйланди. Алалхусус, жажжи қалбларда Ватан нури яна бир карра жилваланди.

Чиқишларни ҳаяжон ичра кузатиб, хулоса қилдик: муаллимнинг айтар каломи — шогирдларнинг камоли. Мактаб директори Маъмура Маҳкамова ҳам бир сўз деди: «Шундай шароитда Муборак Азизовадай фидойи муаллималар кўпаяверсин». Биз ҳам ушбу ниятга қўшилдик.

Мақсуда МЎМИНОВА.

СУРАТЛАРДА: Байрам кечасидан лавҳалар.

Д. АҲМАД олган суратлар.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

ИХЛОС, САДОҚАТ ЎРИГИ

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан шаҳримизнинг Шайҳонтоҳур тумани Белтепа мавзесидаги 316-мактабда кеча бўлиб ўтди.

Соҳибқирон бобомиз руҳини шод этиш ниятида ушбу кечага ташриф буюрган меҳмонлар — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари М. С. Султонов, Ўзбекистон халқ артисти З. Муҳаммаджонов, Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазир муовини М. Абдуқундузов, шу мавзедаги Амир Темур номли маҳалла фахрийлар кенгашининг раиси Н. Саидхўжаев ва бошқалар буюк саркарда ҳақида ибратли ҳикоятлар қилишди.

Кечани очган мактаб директори Мавлудахон Олимжонова ушбу мавзеда янги қад кўтарган мазкур мактаб фаолияти ҳақида, ўтган бир йил мобайнида амалга оширилган эзгу ишлар ҳақида қисқача тўхталди.

Шундан сўнг темурийлар сулоласидан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур образини яратиш орқали эл меҳрини қозонган таниқли актёр Муҳаммадали Абдуқундузовнинг саҳнада чиқиши кечага янада файз киритди. У 350 йил ҳукм сурган бобурийлар сулоласи, Темур авлодининг вакили шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида таъсирли ҳикоя қилди ва Бобур умрининг сўнгги лаҳзалари, она-Ватан соғинчи, жудолик дарди ҳамда фироқи ҳақидаги монологни ижро этди.

Шоир Пўлат Мўмин шу тантанали анжуманга бағишлаб ёзган Амир Темур ҳақидаги янги шеърини ўқиб берди. У кеча қатнашчилари ва ташкилотчиларини буюк бобокаланимиз тузукларига ҳамиша содиқ бўлишга, мард ва танти, ватан учун, она юрт учун ҳалол хизмат қилувчи ўғил-қизлар бўлиб етишишга даъват этди.

Қувноқ куйлар, шўх қўшиқлар лапарларга уланда. Мактабнинг бошланғич ва юқори синф ўқувчилари ўзларининг ҳар бир чиқишларида маданий меросимизга, улкан ва бой тарихимизга, миллий қадриятларимизга катта ихлос билан ёндашаётганликларини намойиш этдилар. Ўқувчиларнинг Амир Темур ҳаётидан ижро этган бадиий лавҳалари ва саҳна кўринишлари эса бир-бирига узвий боғланиб, тарихий манзара касб этди. Ўғил-қизлар томонидан Амир Темур тузукларидан парчалар ўқилди. Бир сўз билан айтганда маълум бир сония саҳнада ўша давр руҳи ҳукмрон бўлди. Айниқса, кичкинтойлар ёд олган шеърий ғазаллар, ибратомуз ҳикматлар йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Зулфия ДЎСТМУҲАМЕДОВА.

Олий таълим янгиликлари

ТИББИЁТДА СЎЗ СЕҲРИ

Филология, бадиият нимага керак? Масалан, у ҳайдовчиларга, муҳандисларга, қишлоқ хўжалиги ходимларига ҳеч бўлмаса саводли бўлиш учун керак. Ахир, кичик бир матнда ўнлаб хато қилувчи олий маълумотли зиёлилар, керакли ҳужжат тайёрлай олмайдиган раҳбар шахсларни учратиш ҳеч қийин эмас. Демак, филология ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасини қамраб туради. Бу сўз грекча бўлиб, «сўзни севиш» деган маънони билдиради. Бадиият ва филология ўзаро вобаста тушунчалар бўлиб, улар биргаликда нутқ маданиятининг асосини ташкил қилади. Нутқнинг бадиийлиги ундаги таъсир кучини оширади. Нутқ маданиятини эгаллаш тиббиёт ходимлари учун ниҳоятда зарур.

Адабиёт — инсоншунослик бўлиб, инсоннинг ички, руҳий оламини даволайди. Тиббиёт эса инсоннинг моддий асосини — жисмини даволайди. Адабиёт ҳар бир фанни одоб суви билан сугорилганидек, тиббиёт ҳам одобни шакллантиради, тиббий тарбия кучини оширади.

Тошкент болалар тиббиёти институти талабаларига «Бадиий тиббий тарбия ва ўзбек тилида иш юритиш» курсининг ўқитила бошланиши айни шундай одобли, маданиятли, саводли тиббиёт ходимларини етиштириб чиқариш сари қўйилган яна бир қадамдир.

Баъзан бадиий сўз ва бадиий тасаввур инсон қули билан қила олмайдиган мўъжизаларни ярата олади. Билиб айтилган сўз касални даволайди. Шунинг учун ҳам бадиий сўз санъатини эгаллаш ва уни руҳий нуқтаи назардан қўллаш услубларини билиш шифокорлар учун жуда-жуда зарур. Абу Али ибн Сино касаллик муносабатлари ҳақида гапириб: «Агар бемор касалликка ён босса, ундан қутулмайди, агар шифокорга ён босса, унинг тузалиш имконияти янада ошади» — деб айтган эди. Бу ён босиш — аслида ишонч.

Бу ишончни яратиш шифокорнинг тиббиёт психологиясини яхши билишига ҳам, унинг нутқига ҳам боғлиқ. Қадимда машҳур табибларнинг кўпи гуманитар фанларни, шу жумладан, адабиётни яхши билишган. Масалан, ибн Синонинг адабиётшуносликка оид «Шеър ҳақида китоб» асари, рубоий ва қиссалари мавжуд. Кайковуснинг «Қобуснома»сида алоҳида бир боб, Навоийнинг «Маҳбуб ул — қулуб» асарида бир боб тиббиётга бағишлангандир.

Зукко халқимизнинг огзаки ижоди, хусусан бешик қўшиқлари, алла ва бошқа турли удумлари ҳам тиббий тарбия билан бевосита боғлиқ. Машҳур табиблар билан боғлиқ ривоятлар, уларнинг образларини талабалар кўз ўнгида жонлантиришга ёрдам беради. Бўлажак шифокорлар руҳиятида бадиийлик ва образлиликни ривожлантириш шифокорларнинг беморга нисбатан фақат тузалиши зарур бўлган объект сифатидагина эмас, балки узига ўхшаган инсон сифатида қараб мулоқотда бўлишларига ёрдам беради.

Ҳаммамизнинг ҳам болалигимиз эртаксиз кечмаган. Бироқ, эртак тинглар эканмиз, ҳеч қайсимиз «Ёрилтош»даги маликанинг Ҳасан-Ҳусанлар солинган бешиклари билан сув остидан эсон-омон чиққанию, «Уч ога-ини ботирлар»даги Кенжа ботирнинг гаразгўй акалари туфайли кесилган оёқлари ўсиб чиққанига шубҳа қилмаганмиз. Бу шубҳага эртакнинг бадиияти ўрин қолдирмаган.

Шунинг учун шифокорлар болалар билан ишлар эканлар, бадиий сўз уларга касалликка қарши қурол сифатида зарурдир. «Аввал юракни даволаш керак, шунда танани даволаш осонроқ кечади», — дейди халқимиз.

Кавсар ТУРДИЕВА,
филология фанлари номзоди.

Кадрият

БУГУН ВА КЕЛАЖАКНИНГ ТАЯНЧИ

Ўқувчилар дарс жараёнида олган назарий билимларини мактабдан ташқари муассасаларда амалий жиҳатдан мустаҳкамлайдилар, бойитадилар. Демак, мактабдан ташқари муассасаларни мактабдан айро ҳолда тушуниш мантиққа зиддир. Бироқ бу масканларга кўп жойларда ҳозирга қадар эътиборнинг етарли даражада эмаслиги кишини ўйга толдиради. Назар ташлаган бўлсангиз, бу муассасалар ҳамма туманларда ҳам охори кетган, замонавийликдан йироқ биноларга жойлашган. Уларнинг моддий асоси ҳам бақувват эмас. Жойлардаги шу ишга алоқадор раҳбарлар, ҳокимлар уларнинг равнақи ҳақида камроқ қайғуришади.

Умуман олганда, ана шу мактабдан ташқари муассасалар номини (атамасини) ҳам ўзгартириш пайти келганга ўхшайди. Чунки бу ном, бизнингча, амалий таълим муассасаларининг мактабга алоқаси йўққа ўхшаш мазмун касб этади. Ҳарҳолда, мазкур муаммони ечиш, ном танлаш мутахассислар, таълимнинг мазкур йўналишига алоқадор раҳбарлар ҳукмига ҳавола.

Японияда бизникидек муассасалар ҳаёт мактаби деб аталади ва уларга юз фоиз мактаб ўқувчилари жалб этилган. Эътибор ҳам талаб даражасида. Болалар ҳаёт мактабидан жуда кўп амалий билимларни пухта эгаллаб, келажакка йўлланма оладилар. Нима учун бизда ҳам мактабдан ташқари муассасалар ҳолатини мактаб таълими даражасига кўтариш мумкин эмас?

Мен яқинда республика мактаб жамоатчилик музейи фаолларининг семинар-кенгашида иштирок этиб, юқоридаги хулосаларга келдим. Дарвоқе, семинар-кенгаш республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази томонидан ташкил этилди ва у Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланди. Йиғин Наманганда ўтди.

Биз Наманганга нисбатан туйғун маънода «гуллар шаҳри» иборасини қўллашга одатланганмиз. Аслида ҳам шундай. Наманганликлар гулни севадилар, гул базми ҳам мана шу ерда, кенг давраларда шоду хуррамликда ўтказилади. Бироқ биз бутун вилоятни ўз тарихига аввал-азалдан чуқур ҳурмат билан қарайдиган ўлкашунослар, музейчилар юрти десак ҳам янглишмаймиз. Зеро, ўз ўлкасини, тарихини ўрганиш болаларнинг боболарга нисбатан ҳурматини орттиради.

Республикамизда ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари, ўнинг барча вилоят марказларида, айрим туманларида 33 та бўлими мавжудлиги ҳақида, мазкур бўлимларнинг мақсади, вазифалари хусусида кўпчилик яхши тасаввурга эга эмаслиги турган гап. Очиғини айтганда, матбуотда мана шу соҳа жуда кам ёритилади. Аслида эса халқ таълимининг ажралмас халқаси бўлган ушбу марказ таълим тизимида сайёҳлик ва ўлкашунослик орқали ўз юртини, ўлкасини, яшаш жойини ўрганишдек кенг қамровли тарбияни ташкил этади. Қолаверса, марказ ана шу тарбия жараёнида ўқувчилар олаётган таълимни амалий ва миллий-мафкуравий жиҳатдан ҳам таъминлайди.

Саёҳатчилик ва ўлкашунослик марказлари, ўз номидан кўриниб турибдики, болалар ва ўсмирлар ўртасида турли мавзуда саёҳатлар уюштиради ҳамда йилига каттагина миқдорда маблағ жамғаради. Унинг олдида ривожланиш ва тараққиётга хизмат қиладиган талайгина конструктив муаммолар бор. Масалан, ҳозиргача республикамизда жами 379 та жамоатчилик музейлари мавжуд. Аслида эса тарихий ва ўлкашунослик музейлари ҳар бир мактабда ташкил этилса, улар турлича тарихий мавзулар билан бойитилса, ёмон бўлмасди.

Ҳозир ўлкашунослик фаолиятига республикадаги мавжуд ўқувчиларнинг қарийб 8 фоизи жалб этилган, холос. Кўриниб турибдики, бу рақам жуда кам. Ўлашуносликни эса ҳар бир ўқувчи оммавий саёҳатлар орқали билиши мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, семинар-кенгаш қатнашчилари шўъбаларга бўлиниб ишлаганларида, турли мавзуларда маърузалар қилганларида ана шу каби муаммолар ҳақида ҳам таҳлилий фикр юритдилар.

Семинар-кенгашда иштирок этган Республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов муаллимлар билан муаммоларнинг ечими хусусида суҳбатлашди. Шунингдек у ҳозирда анча кексайиб қолган уруш қатнашчиларининг фикрини магнит тасмасига тушириб, мактаб жамоатчилик музейларида сақлаш лозимлиги ҳақида ибратли таклифни ҳам киритди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари бир неча тарихий жойларда бўлиб, тажриба ўргандилар.

Семинар-кенгаш ишида Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳабибулла Убайдуллаев, Тўрақўрғон тумани, шаҳар ҳокимлари, йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этдилар.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ОДДИЙ ОДАМ — ОЛИЙ ОДАМ!

Латиф аканинг университетимизга оддий боғбон бўлиб ишга келганига бу йил роппа-роса 20 йил тўлади. Шу давр мобайнида унинг бўш турган вақтини кўрмайсиз. Қачон қараманг, бир ишга қуймаланиб юрган бўлади. У чилангар, боғбон, фаррош... Унинг орқасидан орасталик, саранжом-саришталик бўй кўрсатади. Латиф ака ўз ишидан яйрайди, эл корига яраётганлигидан хурсанд. Жиндай ҳордиқ вақтида эса ҳазил-мутойибага мойиллиги бор.

Тўрт-беш йил ўқиб мулло бўлаётганларга ишонгим келмайди, — дейди у ҳазиломуз кулимсираб. — Мана мен 20 йилдан буён ўқийман.

Чиндан ҳам шундай. Чунки Латиф ака Ражабовнинг жисмида барча инсоний фазилатлар мужассам. Ширин сўз, хушмуомала, одамохун. Ҳаёт дарсини узоқ ўқиганлиги, ўқиганда ҳам уқиб ўқиганлиги сезилиб туради. У сизнинг лутфингизга «жон», «лаббай» деб жавоб беради. Ишига, феъл-атворига баҳо берсангиз лафзининг бир чеккасида доимо «раҳмат», «ташаккур» сўзлари ораланиб, жилоланиб туради. Латиф ака бошлиқ ҳузурида ҳам, касбдошлари, дўстлари орасида ҳам қўлини кўксига қўйиб «хўш», «лаббай»ни канда қилмайди. Бу одат унинг табиатига сингиб кетган.

— «Хўш», «лаббай», «ташаккур»ларингиз тугамайдими? — дея ҳазиллашиб сўраймиз ундан. Латиф ака яна мутойибага улайди:

— Мен ҳар йили баҳорда бу сўзлардан сероброқ экаман. Сероб нарсани йил бўйи улашсангиз ҳам адоғи бўлмайди.

Ана шундай бизнинг Латиф ака! Бухоро давлат университетида катта-ю кичикка бирдек эъзозли инсон у киши. Латиф ака оилада меҳрибон ота, набираларига суюкли бобо. Катта рўзғорнинг тадбиркор, саховатли рўзғорбошиси. Ҳар йили тўймаърака қилишдан чарчамайди. Хурсандчиликни ёқтиради.

Бизнинг тилагимиз: доимо омон бўлинг, Латиф ака. Кўнгил чорбоғингизга «лаббай», «ташаккур»лардан янада мўлроқ экиб, одамларга ҳовуч-ҳовуч улашаверинг!

Дилмурод ЖАББОР.

ТЎЙ БАҲОНА БЕЛЛАШУВ

Тошкент давлат университетида Амир Темур бобомиз таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг «Буюк Темур» асарининг муаллифи Е. Брезиков билан бўлган қизиқарли савол жавоблар кечанинг файзли ўтишига сабабчи бўлди.

Кеча сўнгида «Баҳор— муҳаббат фасли» мавзусида ўзбек филологияси, ҳуқуқшунослик ҳамда хорижий филология факультети талабалари ўртасида қизғин беллашув бўлиб ўтди. Ниҳоят мазкур мусобақада хорижий филология факултети талабалари ғолиблик тожини кийишга муяссар бўлдилар.

Муаттар БЕКНАЗАРОВА,
талаба.

Эҳтиром

ҚИШЛОҒИМИЗ ВИЖДОНИ

Ёдимда... Эрталаб қуёшдан олдин уйғонардик. Сўнг онамиз тайёрлаб берган нонуштани апил-тапил еганча мактабга йўл олардик. Ҳа, мактабга шошардик у пайтлар. Лекин у ошиқиш бошқача эди... Қўнғироқ чалингунча майдонга чиқиб олиб, тўп тепамиз. Йўқ, қўнғироқ чалингунчамас, Ибод муаллим мактабга келгунича.

Юқори қишлоқдан Ўртовулгача — мактаб жойлашган маҳаллага келадиган йўлда Ибод малим (биз устозни шундай атардик) кўриндими, тамом, ўйин тугайди. 45 дақиқа «танаффус». Муаллим мактаб ҳовлисига кириб келгач бошланғич синфда ўқийдиган барча болалар бир сафга тизилиб туриб олишади. «Ҳозир Ибод малим текширув ўтказади». Кўллари тоза, тирноқлари олинган, сочлари батартиб болалар қўрқмасдан тураверишади. Доимо кир бўлиб юрадиган, сочлари ўсиб кеттанлар эса...

Бола бўлганмиз-да. Қўрқиб, йўқ, малимдан эмас, тенгқурлар ичида уялиб қолишдан қўрқиб, доимо тоза, саришта юришга ҳаракат қилардик. Лекин футбол... Қўйиб беришса эртадан кечгача, терлаб-пишиб, йиқилиб-ётиб ўйнардик. Яхшиям Ибод малим бўлган экан. «Суюнчи» бадиий фильмида Анзират кампирни «қишлоғимизнинг виждони» дейишади. Ибодулла муаллимимизни ҳам бизнинг кичкинагина қишлоғимизнинг виждони деб атасак арзийди.

Ибодулла Боймуродов ҳақиқатан ҳам қишлоғимиз ва мактабимиз ҳаётида катта ўрин тутадиган инсон. Қачонки болалик хотираларига берилсам, албатта, халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ибодулла Боймуродовни, мен учун ўша-ўша хотирамдаги Ибод малимни эсламай иложим йўқ.

Ўқитувчи бўлиш осон. Устоз бўлиш осон эмас. Ҳар гал қишлоғимга йўлим тушса, албатта, ўқиган мактабимга бораман. Менга илм-тарбия берган ўқитувчиларимни зиёрат қиламан. Гурунгини оламан. Ажойиб инсон, болаларнинг яқин дўсти бўлган раҳматли тарих муаллимимиз Равшан Холмуродовни эслайман...

Узоқ Дониёров, Обрўй Ҳайитов, Наби Абриев, Темур Эрназаров, Авғон Чоршанбаев, Иброҳим Нишонов каби фидойилар ишлаган, ишлаяпти бу мактабда. Улар орасида Ибод муаллимнинг ҳам ўз ўрни бор. Ҳаммаси устоз даражасига эришган. Лекин Ибод малим бошқача...

Яқинда ўзим туғилиб ўсган қишлоғимга бордим. Одатдагича мактабда бўлиб, муаллимлар, ўқувчилар билан суҳбатлашдим. Ибодулла Боймуродовга Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан «Халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилган экан. Бу хушхабарни эшитиб, қувондим. Ахир қувонмай бўладими?

— Ҳозир ҳеч кимга осон эмас, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий томондан. Баъзан ойлик маошларимизни ўз вақтида ололмаяпмиз. Барибир шукр қилишимиз керак. Муҳими қалбда. Қалбинг тоза, иймон-эътиқодга тўла бўлса, ёшларни ҳам шунга даъват қилиб яшасанг, бир кишига шунинг ўзи етади, — деди

Муаллим билан анча гурунглашдик. Ўқитувчининг, зиёлининг қишлоқдаги ўрни, ҳозирги ёшларнинг ўзларини тутишлари ҳақида, бозор иқтисодиёти ва адабиёт ҳақида. Мен қишлоқ билан, унинг тўпори, чапани одамлари, ҳозирги мактаб ўқувчиларининг қандай ўқиётганликлари билан қизиқдим. Гурунгимиз айланиб яна мактаб муаммоларига келиб тақалади.

— Жадидларимиз бекорга маърифатни бош мақсад қилиб олмагандилар. Миллатнинг дунёда юз кўрсатиши, Ватаннинг равнақи маърифатсиз бўлмайди. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам биз маърифатни биринчи ўринга қўйишимиз лозим. Бозор иқтисодиёти, қийинчиликлар баҳона бўлолмайди. Маърифатли бўлишга интилиш масъулияти ҳар бир шахсга ва шахс орқали бутун жамиятга хос бўлмоғи керак.

Устознинг сўзларини тинглаб, ўйга толаман. Маърифатли бўлиш, зиё тарқатувчи — ўқитувчи бўлиш айни (айрим ўқитувчилар ўз касбидан воз кечиб кетаётган) даврда осонми? Болалар билан ишлаш, айниқса, мактабга эндигина келган ёш болалар билан ишлашчи? Дарвоқе, Ибодулла Боймуродов 33 йилдан бери Нуробод тумани Қизил Карвон қишлоғидаги 15-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Тарбия, аввало, оила муҳитидан бошланади. Мактаб эса болага тарбия билан бирга, энг муҳими, илм беради. Ўқитувчидан, айниқса, бошланғич синф ўқитувчисидан ҳаммадан кўра кўпроқ масъулият талаб қилинади. Негаки, илмнинг асоси бошланғич синфларда ўргатилади.

— Менга айт-чи, деҳқон ёхуд дўхтир бўлиш осонми? Умуман, ҳаётда ўз ўрнингни топиш-чи?

Менам индамадим. Индамадим-да, ўшанда айтмаганларимни ҳозир ёзиб турибман.

Хусан НИШОНОВ.

Нигоҳ

ТУНГИ ҚЎНҒИРОҚ

Ярим тунда телефон жиринглаб қолди. Уйқусираган куйи трубкани кўтардим.

— Узр, бевақт безовта қилаяпман, — деди хотиржам бир овоз. Мен уни анча пайтгача таниёлмай гангиб турдим. Охири, танидим, Фозилбек! Қадрдон дўстим...

Уйқум учиб кетди. Гап-гапга қовуша бошлади. Фозилбек Фарғонадан сим қоқаётган экан.

— У ёқларда нима қилиб юрибсиз? — сўрадим ҳазиллашганнамо оҳангда.

— Ия, хабарингиз йўқми?... Пойтахти азимни тарк этганимизга анча бўлди. Она қишлоғимиз бағридаман...

Фозилбекнинг сўзларига, аввал, ишонқирамадим. Сўнгра, унинг ҳазил-мутойибани кўп ҳам хушламаслигини, жиддий, тўғри сўз йигитлигини эслаб... ўйга ботдим. Бу ўйлар мени буткул чулғаб олди. Ҳатто, дўстим билан телефон орқали қанча суҳбатлашганимни ҳам, қандай хайрлашганимни-ю трубкани қандай жойига қўйганимни ҳам эслаёлмайман. Алланечук маъюс хаёллар қуршовида узоқ туриб қолдим.

Фозилбек билан ёш олимлар кенгашининг йиғинларининг бирида танишгандик. У техника олий ўқув юртларидан биринг аспиранти эди. Биз жуда кўп марта узоқ-узоқ суҳбат қурганмиз. Суҳбатларимиз давомида, очиқ гап, мен Фозилбекнинг билим даражасига, илмий салоҳиятига, фикрий камровига қойил қолар, унга ўхшашни ҳавас қилар эдим. Охири чидаёлмай Фозилбек ҳақида, Фозилбек ва унинг устозлари яратаётган биринчи ўзбек автомобили ҳақида «Туркистон» газетасида мақола чоп эттирдим. Менинг ниятим ёшларимиз орасида иқтидорли конструкторлар етишиб чиқаётганини, уларни қўллаб-қувватлаш, эъзозлаш зарурлигини таъкидлаб ўтиш эди. Бироқ...

Тунги қўнғироқ мени дарҳол сергак торттирди. Яна беихтиёр анчадан бери учратмаган, хабар топмаган дўстимдан хабар топтирди.

Қизиқ, Фозилбек нега пойтахдан, тўғрироғи институтдан кетди? Ахир, унинг орзулари бир дунё эди-ку? Ҳали номзодлик ишини ҳам ёқлаганча йўқ... Ё институтда, иш ўрнида бирор кўнгилсизлик юз бердими? Ё, иқтисодий, турмуш қийинчиликларига мағлуб бўлдими? Тўғри, Фозилбек учрашган чоғларимиз, қизғин суҳбатлар пайти ҳеч қачон иқтисодий мушкулликлардан, турмуш икир-чикирларидан гап очмасди. Четдан қараган кишига у узига тўқ, ҳеч бир камчилиги йўқ йигитдек таассурот уйғотарди. Аслида-чи?.. Фозилбек ҳамон талабалар ётоқхонасида бир амаллаб кун кечирарди. Оиласи, икки нафар жажжи фарзанди эса Фарғонанинг узоқ бир қишлоғида, ҳамон «бобо-момо»ларининг қарамоғида қолган эди...

Қизиқ, мабодо мен ўша институтга бориб, у ердаги масъул раҳбарлардан, Фозилбекдай истеъдодли аспирантнинг қандай сабабларга кўра қишлоғига кетиб қолганини сўрасам қандай жавоб олишим мумкин? Менимча, жавоб тайёр: ўз хоҳишига кўра, ўз аризасига биноан...

Йўқ, менимча, Фозилбек ўз истагига эргашиб кетмади. Чунки унинг истаклари, орзулари бошқа эди. У илмда ўз дунёсини яратмоқчи эди! Менимча, Фозилбекни мажбурият етаклаб кетди! Оила боқиш, иқтисодий аҳволи ҳақида қайғуриш каби ташвишлар, уни орзулар осмонидан тортқилаб туширди! Қизиқ, Фозилбекни олиб қолишнинг иложи бормиди? Ҳа, бор эди! Институтнинг масъул раҳбарлари унга озгина эътибор кўрсатганларида, кўмак қўлини чўзганларида Фозилбек қоларди. Бироқ... Нима ҳам қилардик. Фозилбекнинг пешонасида қишлоғига қайтиб боришлик ёзилган экан...

Тунги қўнғироқ, раҳмат сенга! Дўстим аҳволидан огоҳ этганинг учун, кўзимдан уйқуни қувлаб, бир зум сергак хаёллар бахш этганинг учун сенга ташаккур...

Лукмон БЎРИХОН

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Алишер Навоий номидаги адабиёт институтида ёш олимларнинг навбатдаги илмий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман аввалида адабиёт институтининг ректори Т. Мирзаев ва институт Навоий бўлими мудири А. Ҳайитметовлар ёш олимларнинг бундан кейинги тадқиқотларига муваффақиятлар тилашди. Шундан сўнг ўзбек адабиёти тарихи, халқ оғзаки ижоди, адабиёт назарияси ва XX аср ўзбек адабиёти шўъбаларида ёш олимларнинг қизиқарли тадқиқотлари тингланди ҳамда муҳокама қилинди.

Ёш тадқиқотчилар Ғ. Эшмоновнинг «Мужрим-Обид дебочаси хусусиятлари», Н. Ғаффоровнинг «Ҳайратул Аброр достонида суфийлар тимсоли», Х. Холованинг «Бухоро тўй қўшиқларидаги бир поэтик деталл ҳақида», Ж. Турдимовнинг «Лирик кечинма муаммосини ўрганишнинг айрим масалалари» мавзуларидаги маърузалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди ва алоҳида эътироф этилди.

Анжуман сўнгида маъқул деб топилган маърузаларни «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида чоп этиш тавсия қилинди.

З. ҚАЛАНДАРОВА.

Қўшиқ айтинг, рақсга тушинг ва шунда кўнглингиз чоғ бўлади. Модомики, дил яйрар экан, умр ҳам чароғондир.

Кумушбибининг Ватани — Марғилон шаҳрида 29-ҳунар-техника билим юрти бор. Бу ерда эса юзлаб Қумушбибилар «Марғилон Кумушлари» ансамблига бирикишган. Улар Ватан ҳақида куйлашади, уни мадҳ этишади. Ижодларининг самараси ўлароқ, улар республика I фестивалида 1-ўринга муносиб деб топилди.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Зайниддин ҒАЗЗОЛИЙ

ЖОҲ ВА ҲАШАМАТНИНГ ТАРИҚАЛАРИ

(«Кимиёи саодат»дан)

Билғилки, жоҳ ва ҳашамат ҳам молга ўхшашдур. Чунончи, молнинг ҳаммаси мазмум (ёмон) эрмас. Агар миқдори кифоятга қаноат қилса, (бу) зоди охират жумласидин ва мундин зиедига қунгил боғлаш, дунёга фирифта бўлмоқ ҳам ҳаромдур. Мунга ўхшаш, жоҳ ва ҳашаматким, ҳар киши қаттиғ ва йирик ҳожатин раво қилмоқда хизматкорга, олимлар маслаҳатига, рафиқ ва мушфиқ одамларга ва золимдар зулмидан эмин бўлмоқ учун қудрат ва салтанатга ҳожати бордур. Бас, жоҳ ва ҳашаматни ҳам миқдори кифоят (бўлгудай) талаб қилмоқ мубоҳ (рухсат) этилган-дур.

Ва лекин жоҳ ва ҳашаматни тўрт тариқа талаб қилғали бўлур. Бу тўртдин икки тариқа ҳаромдур. Ва икки тариқа мубоҳ (ҳалол)дур.

Аммо ул икки тариқаи ҳаромдин бирибўлким, ўзини зоҳид ва обид биддирмакка изҳори ибодат қилиб, ҳукмдорлик талаб қилмоқ ҳаромдур. Бу риёдур, чунки ибодатни холис ҳудои-таоло учун қилғай (эрди). Яна бири улки, магар талбис (шайтонлик) қилғай, андоғким, узини халқга бир ҳомий сифатида англатғайким, воқеада (аслида) бу сифат бўлмағай. Масалан, узи саййид бўлмағай, «Мен саййид», дегай. Ва е олим ва зоҳид бўлмай, «Мен олим ва зоҳид» дегай. Бас, бу тариқа жоҳ ва ҳашамат талаб қилмоқ ҳам ҳаромдур.

Аммо аввалги тариқаким, мубоқ эрди, магар аввалги (зоҳидлик ва обидлик) талабин қилмағай.

Яна бири улки, ўз айбини яширгайки, агар фосиқ фисқ ва б. маъсиятини яширса, улуғлар назарида эътимодга ер (бўлур). Башартики, узини халққа ер (дуст) ҳисобламоқ андишаси бўлса, бу нав жоҳ талаб қилмоқга рухсат берибдурлар.

Фасл. Жоҳ (мансаб) ва ҳашамат дўстлиғи баёнида

Билғилки, жоҳ ва ҳашамат дўстлиғи қунгилда ғолиб бўлса, дилга беморлиг ғолиб бўлғонидурки, (одам) анга иложни қабул қилур маҳалида иложини қилғай. Агар сухулат (енгиллиқ) қилса риё ва нифоқ, ёлғончилик ва макр, талбислик (шайтонлиқ) ва адоват ва муноқаша (жанжалкашлик) иллатлари қарор топарки, булардан ҳар бири муҳлиқдур (дилни ҳалоқ этгувчидур)ким, сўнг иложини қилмоқ мушкулдур.

Киши мол ва жоҳдан миқдори ҳожатга қаноат қилибдур жоҳ (мансаб) ва молни дуст тутғани эрмас, балки дин ва дунёси фароғатини дуст тутқонидур. Ва кишиғаким, мол ва жоҳ дўстлиғи ғолиб бўлур, ҳамият ва андишаси, халқнинг назарида яхши кўринишда ва жоҳу мол зиеда қилишда бўлса, бу — беморлиг (дўзахга) маркаб (улов) бўлғонидурким, анинг иложи ва амал (қилиш)дур.

Аммо, илми улдурким, жоҳу молнинг (дўстлиғи) бу дунёда (инсонни) офатларга ноил қилғай. Аммо, жоҳ ва ҳашаматнинг дунёдаги офати улки, толиби мол ва жоҳ ҳамиша ранжу мазаллатдадурким, агар жоҳ (обрў, мансаб) ҳосил бўлмаса, хорлиқа қолур. Ва агар жоҳ ҳосил бўлса, душманлари қасдига ва ҳосидлар ҳасалига гирифтор бўлурким, уларнинг макр ва адоватидин эмин (омонда) бўлолмас. Магар мағлуб бўлса, ҳордиқ тортар ва мағлуб бўлмаса ҳам жоҳ (амал, мансаб)нинг баҳоси йўқдурким, бу олам хайри ва шарри (ёмонликлари) дарёнинг мавжи мисллик бесабабдур. Бас, толиби жоҳ дунё ва охиратда ранж ва уқубатда-дурким, кишиким, соҳиби басиратдур (қалб кўзи очиқдур), анга маълумдурки, агар рўйи замин то мағрибдан машриқгача, анинг тахти тасарруфида бўлиб тамоми халқлар анга мутеъ ва банди бўлса ҳам шод бўлмас. Охири улмаги бирла азоб ва уқубатдин ўзга ҳосил топмас.

Аммо, бу (иллатдан қутулишнинг) иложи ва амалий иккидур. Бири улки, агар молу жоҳ ва келтирса (кулиб боқса) анингдин қочғай. Ва киши танимайдургон ерга кетгайким, агар бу диёрда бўлса, халқнинг таъна ва мадомати ва нифоқи (жанжали) ранжидин халос топмас.

Фасл. Халқнинг яхши ва ёмон демагини (шон-шуҳратини) душман тутмак баёнида.

Билғилки, аксар халқ (купчилик одамлар) узини мадҳ ва ситойиш (ҳурмат, эъзоз) қилдурмоқга ҳарисдур (очкуздур). Ва ҳамиша ном чиқармоқ талабида бўлур, агарчандики, шариат хилофига бўлса ҳам.

Бас, бу ҳол ҳам дилнинг беморлиги аломатидурки, иложи (давоси) маълум эрмас. Билғилки, мадҳ ва ситойиш лазизлиги (қулоққа ёқимли эканлиги)нинг сабаби тўртдур. Аввал буни айтиб эрдимки, одам ўз камолини дуруст тутса, нуқсонини душман тутса, ситойиш (мақтов) эшитмоғи камол топганининг далилидурки, узининг камолида шак (шубҳа) бўлса, яна бировнинг ситойиши анинг шубҳасини йўқ қилур, бу важдин (одам дилига) хушнудлик ва лаззат ҳосил бўлур. Вақтики, (мақтов эшитаётган одам) мазаммат (танқид, ёмонлаш)ни англаса, узининг нуқсонидин огоҳ бўлиб, дили оғрийди. Иккинчи сабаб улки, ҳар кимники агар ситойиш қилгувчиси азиз ва мукаррам киши бўлса, анинг ситойиши лазизроқ эшитилур. Учинчи сабаб улки, қилғон ситойишидин халқнинг қунгли анга мойил ва сайд бўлғонига ишорат бўлса ва халқ орасида ситойиш қилса, ҳаммадин лазизроқдур. Тўртинчи сабаб, узининг қаҳри ва ғазаби етган киши (ундан озор топган киши) ситойиш қилса, агар узига хуш келмаса ҳам, у кишини англашга ҳаракат қилади.

(Шон-шуҳратга учликнинг) аввалги иложи буки, узингни комил ва оқил билмағайсан. Ва киши (бошқалар мақтаб парҳизкор деганидин шод бўлмағайсен. Андиша қилғилки, бу сифатларки, Ҳақ-таоло сенга берибдур, халқнинг яхши дегонидин зиеда бўлмас ва ёмон дегонидин кам бўлмас. Бас, оқил киши шод ва ранжур бўлур нарсалар оқибатини мулоҳаза қилғай. Кишиким, ўлмак олдида бўлса, маълум эрмаски, жойи дўзах бўлғай е беҳишт. Бу ҳолдаги киши яна бировнинг яхши ва ёмон демоғидин шод бўлмоғи камоли ҳимоқат (қабиҳлик)дур. Агар киши сени мазаммат қилса (ёмонласа), анга хафа бўлмоқ ва ани душман тутмоқ жаҳолатиндурким, агар рост айтган бўлса, фаришталар насиҳат қилибдур, агар ёлғон айтган бўлса, шайтон (сўзига кирган)дурки, азобини қиёмат куни тортар, бу оламда сенга (мақтовнинг) ҳеч фойдаси йўқдур.

Давоми бор.

Нашрга тайёрловчилар: Маҳкам МАҲМУД, Абдуллоҳ ҚУЛОҲИЙ.

Хулласи...

ГЎШТНИ ЭГАРГА БОС

Дунёда гўштли таомларнинг тури қанчадан-қанча: ҳар қайси миллат уни турфа хилда тайёрлайди. Лекин энг антиқа усул аргентиналик чўпонларда бўлса керак.

Эрталаб, яйловга кетиш олдидан чўпонлар хом гўштни майда бўлакларга бўлиб, уни эгар остига жойлаштиришади. Кун бўйи эгар остидаги гўшт юмшаб, от танаси ҳарорати билан пишади-қолади. Кечга бориб, қарабсизки, хуштаъм таом тайёр-да.

СЕЗГИР ДАРАХТ

Маълумки, ҳайвон ва балиқлар зилзилани олдиндан сезишади. Япон олими Хидео Торивадининг таъкидлашича, ўсимликлар ҳам ўз сезгилари бўйича юқоридагилардан қолишмас эмиш.

Бир неча йиллар акациялар устида кузатув олиб борган профессор уларнинг ҳолатига қараб, Токионинг турли туманларидаги саксондан ортиқ зилзилани олдиндан айтиб берди.

КОМПЬЮТЕР ШАРТ ЭМАС

Янги Гвинеянинг оёқ етмас ҳудудида яшовчи баланте қабиласи оқсоқоллари ўз қабиладошлари сонини ҳисоблаш учун компьютерга эга эмас. Шунга қарамай, қабилада статистик ҳисоб жуда ўрнига қўйилган.

Гап шундаки, чақалоқ туғилганда сила бошлиғи оёғига ҳалқа тақиб қўяди. Агар оиладаги бирор киши рихлат этса, тақинчоқ олиб ташланади. Шундай қилиб, ҳалқалар миқдорига қараб, оиладаги, умуман, қабиладаги аҳоли сонини бемалол ҳисоблаб чиқиш мумкин.

БИРИНЧИ БЎЛИБ ЧЎПОЁҚ ҚАДАМ БОСДИ

Биринчи эскалатор бундан 85 йил олдин Лондон метросида ишга туширилган эди. Бироқ аҳоли бу янгиликни қувонч билан эмас, қўрқув билан кутиб олди. Унинг бошида тўдалашиб олган лондонликлар оёқ босишга хавфсирашарди.

Метро маъмурияти бу ҳолатдан ташвишланиб, ҳийла йўлига ўтди. Чўп оёқли ногирон қарияни ёллаб, йўловчиларга унинг эскалатор бўйлаб чиқиб-тушишини кўз-кўз қила бошлади. Шундан сўнггина аҳоли ўзиюрар зинага оёқ қўйди.

ЭРКАТОЙ ТИМСОҲЛАР

Австрия шимолидаги Дарвине шаҳрида тимсоҳлар қаттиқ ҳимоя остига олинган. Бу эътибордан «эркаланиб кетган» бу жониворлар шаҳар кўчаларида ҳам бемалол сайр қилиб юришибди. Аҳолига хавф туғилиши мумкинлигини сезиб қолган шаҳар маъмурияти «эркатойлар»га нисбатан қандай чора кўришга боши қотиб қолди.

ана шунақа гаплар.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Андижон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси Йўлдошхон Машрабиевга рафиқаси Шоира МАШРАБИЕВА вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗИГА БОҚМА, СЎЗИГА БОҚ

Халқимизда шундай ибора бор. Айрим шахслар сўзларни жуда чиройли талаффуз қилишади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ўстириш, узининг фикрини силлиқ, мазмунли ва ихчам шаклда ифода қилишга ўргатиш ҳисобланади. Бунинг учун эса у дарс жараёнида маълум вазиятларда турли усуллардан, масалан, тез айтишлардан фойдаланиши лозим. Тез айтишни яхши билган одам товуш ва сўзларни равон, бурро, аниқ талаффуз этишни, товушлар оҳангдорлигини, сўзларнинг нозик маъноларини идрок қилишни ва уларни фарқлашни ўрганадилар. Демак, тез айтишлар товуш ва сўзларни аниқ талаффуз қилишнинг поэтик-мантиқий машқлари бўлиб ҳисобланади.

Тез айтишда маълум фонемалар (кўпинча жарангли ундошлар) такрорланади. Шунингдек тез айтишлар нутқ товушларининг уйғунлигига асосланган. Бунда ўхшаш товушли сўзлар ёки сўз бирикмаларининг бир нафасда шиддат билан айтилиши жараёнида у ё бу товуш ёки сўзнинг талаффузида чалғиш ёки тутилиш натижасида воқе бўлувчи маъно ўзгариши юзага келади.

Бошқа бир турқум тез айтишлар борки, унда болани айрим товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш билан бирга, боланинг хаёлини бир жойга йиғишга ва жумланинг мантиқий урғусини аниқлаб олишга жалб қилинади. Бундай машқларни ҳам халқ педагогикаси муваффақият билан ишлаб чиққан. Мисол келтирсак.

— Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп. Бир туп тут бир туп турпнинг томирини тортиб турибди.

Кўриниб турибдики, мисолдаги «тут», «турп» сўзларини тўғри талаффуз қилишдан ташқари, жумлани тўғри такрорлаш, тутнинг ва турпнинг турган ўрни ва ҳолатларини ёдда сақлаб қолиш керак.

Тез айтишлар кичик ва катта ёшдаги болаларнинг нутқ ва хотира хусусиятларига қараб, қисқа ва узун жумлалар шаклида яратилади. Болалар нутқини ва хотирасини ўстириш жараёнида кичиккичик тез айтишлардан товушларнинг мураккаб конструкциясига асосланган жумлаларга ўтилади. Бу ўтиш ҳам иккинчи турдаги тез айтиш машқи учун — жумланинг мазмунини англатиш учун мўлжалланган бўлади: «Оқ чойнакка оқ қопқоқ, кўк чойнакка кўк қопқоқ».

Тез айтишлар кичик ва мактаб ёшидаги болалар нутқидаги айрим товушларни бузиб талаффуз этиш ҳолларини тузатишга, тўғри сўзлайдиган болаларда эса адабий талаффуз нормаларини мустаҳкамлашга, болаларни жумлалардаги мантиқий урғуни топиб олишига ёрдам беради. Тез айтиш мисолларидан фақат она тили дарсларида, адабий ўқишлардагина эмас, баъзан дефектология, фониатрия ва логопедия фанларида ҳам фойдаланилади.

Т. СОБИТОВА, ТошДУ доценти.

ЛИЦЕЙГА МАРҲАМАТ!

Гулистон давлат университети қошидаги Республика лицей-интернати 1996-97 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатига Республикамизнинг барча вилоятлари мактабларининг 8-синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Лицей-интернатининг 9-синфларига суҳбат асосида қуйидаги йўналишлар бўйича 1996 йилнинг 20 июнидан 20 июлигача ҳужжатлар қабул қилинади:

— Иқтисод бўлими

— Табиий фанлар бўлими (физика, математика, химия, биология ва муҳандислик)

— Социал фанлар бўлими (тарих, ҳуқуқшунослик, ижтимоий фанлар)

— Ўзбек тили ва адабиёти

— Хорижий тиллар (инглиз ва рус тиллари)

Лицейга қабул қилинганлар бепул овқат, ётоқхона билан таъминланадилар. Ундан ташқари лицейда дид билан жиҳозланган синф хоналари, лабораториялар, лингафон ва компьютер хоналари, фан кабинетлари, кутубхона ва ўқув заллари, спорт зали ва майдонлари, устахоналар, лицей ички телерадиостудияси, профилактория ва бошқа қулайликлар ўқувчиларга мунтазир. Машғулотларни университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва лицейнинг малакали ўқитувчилари олиб боради.

ТАНЛОВ ШАРТИ:

Танлов йўналишга оид касбларга ва фанларга муносабатни, қизиқишни аниқловчи тест-синовлари (суҳбат) асосида амалга оширилади. Тест-синовлари (суҳбатлар) 1996 йилнинг 1 августидан 15 августгача махсус график асосида ўтказилади. Шаҳар, туман, вилоят, республика олимпиадалари ғолиблари лицейга имтиёзли қабул қилинадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза
2. Мактаб педагогик кенгаши йўлланмаси
3. 6—8-синфлар табеллари
4. Туғилганлик ҳақида гувоҳномаси
5. Тиббий маълумотнома
6. 4 донадан 3X4 ва 6X9 ўлчамли фотосуратлар.
7. Турар жойидан маълумотнома

МАНЗИЛИМИЗ: Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри, Саркисов кўчаси, 2-уй, телефонлар: 3-22-15, 3-19-97, 3-40-61.

ТИНЧЛИК КОРПУСИ – ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА

June 1996 Issue No. 19 *English Teachers' Newsletter of Uzbekistan*

Letter from the Editors

This edition of In English is all about YOU. Well, it is all about US. We aren't just editors of In English but we are also English teachers. And to do both of these jobs better we need some information!

We have been getting letters from teachers all over Uzbekistan but we'd like to hear from more of you. If you just take 10 minutes to answer this survey and mail it to us we will use your ideas in the upcoming issues of In English.

Exciting things are happening for English teachers in regions across Uzbekistan. Teachers are meeting, holding workshops and developing new teaching materials.

We hope that you will become a part of this movement.

Until next time,

Anne Hauk
Joe Dalsin
Editors

Tell Us What You Think: A Teacher Survey

Here are a few questions about teaching and what you are interested in reading about in In English. With your answers we can make a better newsletter and learn more about our readers. Please take a few minutes to answer these questions and then send your answers to the address below. Thanks for your help!

Name:
School:
City and Region:
Classes Taught:
Hours Per Week:

1. Put a check (✓) next to the three topics you would like to read about most in In English:

__Current Methodology
__Warm-Up Games and Puzzles
__Using Conversation in Class
__Using Songs in Class
__Building Vocabulary
__News and Culture about America and England
__Creating Classroom Materials
__Other (Please explain).

2. Put a check (✓) next to the information you think would be useful for you:

__Programs for teachers to take courses abroad.
__Programs for students to study abroad.
__Events for English teachers and/or English students in Tashkent.
__Events for English teachers and/or English students in the regions.
__Teachers conferences locally and abroad.
__Other (Please explain).

3. Would you be able to write short articles or contribute games and ideas to In English?

__Yes __No

4. Would you be interested in being a part of an English Teachers' Association?

__Yes __No

5. Put a check next to the three most important things you think an English Teachers' Association should do:

__Help teachers of Uzbekistan contact teachers of English in other countries.
__Organize professional seminars and workshops.
__Create Methodology Centers for teachers' use.
__Help teachers buy books.
__Meet with English teachers in other cities and regions of Uzbekistan.
__Other (Please explain).

6. Would you be able to give help in starting an English Teachers' Association in your city?

__Yes __No

That's all! Thanks again for taking the time to answer our questions. We hope to use your ideas to make a better newsletter. Always feel free to write us at In English and let us know what you think. Don't forget to send in your anwers! Happy teaching!

This is a forum for local and foreign English teachers working in Uzbekistan. If any school, institute or university teachers would like to write an article for IN ENGLISH, the ENglish Teachers' Newlsetter of Uzbekistan, please submit your idea to a Peace Corps Volunteer or write to the following address.

TASHKENT
BOX 476
ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Луқмон БУРИХОН.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0321. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6